

Ақийда дарслари (100-дарс). Ақоид илмининг тарихи



13:30 / 31.08.2020 4712

islom.uz · 007 - A???? ????????? ???????

Аллоҳ таоло ер юзини Ислом нури ила мунаввар қилишидан олдин одамлар турли-туман ақийдаларда эдилар. Ҳар ким ўз ақийдасини ўзича баён қилар, ким гапга устароқ бўлса, ўша ютиб чиқар эди. Асосан ақийдалар хурофий гаплар ва тасаввурлардан иборат эди. Шунингдек, ўша вақтда машҳур бўлган яҳудийлик, насронийлик, мажусийлик каби катта динларнинг ақийдалари ҳам ақл бовар қилмайдиган афсоналар билан тўлиб-тошган эди. Арабистон ярим оролида эса асосан ширк ақийдаси ҳукм сурарди. Одамлар ўзлари қўллари билан ясаб олган ҳайкал, буту санамларни худо деб эътиқод қилар эдилар. Уларда фаришталар, жинлар ва яна бошқа нарсаларга ҳам ўзига хос бидъат-хурофотдан иборат ақийдалар мавжуд эди.

Ислом келиб, мазкур ақийдаларнинг барчасини ислоҳ эта бошлади. Мусулмонлар ўз ақийдаларини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлаётган оят ва ҳадислардан ола бошладилар. Дастлаб уларда бу икки манбадан бош-қа нарса ҳақида ўйлаш ҳам йўқ эди. Ҳамма нарса фақат шу икки манбадан келиб чиқарди.

Қуръони Каримнинг ўзида насоро, яҳудий ва мушрикларнинг бузуқ ақийдаларини танқид қилиш ва уларнинг хатоларини баён этиш борасида бир қанча ояти карималар нозил бўлди.

Мусулмонларнинг ўзларининг орасидаги биринчи ақийдавий тортишувлар ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг аскарлари ичидан ажраб чиққан, ақийда масаласида баъзи бир шубҳали саволлар чиқарган хаворижлар тоифаси билан ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ва у кишининг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга ўхшаш яқин сафдошлари орасида бўлиб ўтди.

Кечагина Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда келган нарсаларга ҳеч бўйин товламай эътиқод қилиб юрган кишилар энди янги шароитдаги одамлар билан ақийда масалаларида тортишишга мажбур бўлдилар.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг ўзлари бир қадарий билан узоқ тортишдилар. Сиффийн жангидан кейин бир қари киши келиб, ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳуга инсон ҳаётидаги жабр ва ихтиёр ҳақида савол берди. Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу унга ўз услубларида жавоб бердилар ва узоқ тортишдилар. Ҳазрати Али Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни хаворижлар билан баҳс қилиш учун юбордилар. Катта саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Язид ибн Умайра билан иймон ва унга тегишли масалаларда узоқ тортишдилар.

Демак, катта саҳобийларнинг вақтларидаёқ ақийдавий баҳслар олиб боришга мажбур бўлинган эди. Чунки ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг даврига келиб, турли ақийда ва фалсафа эгалари янги мусулмонлар ўлароқ Ислом жамиятида ўз маконларини олган эдилар. Уларга оят ёки ҳадис айтиб бир нарсани тушунтириш қийинлашиб қолган эди. Уларнинг ўз тушунчаси ва тафаккур йўналиши бор эди. Уларга ўзига хос муомала қилинмаса бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам имом Бухорий келтирган ривоятда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Одамлар билан ўзлари билган нарса ила гаплашинглар. Улар инкор қилган нарсани тарк қилинглар. Аллоҳ ва Унинг Расули ёлғончига чиқарилишини истайсизларми?!» деган эдилар.

Тобеъинлар даврига келиб ҳолат яна жиддийлашди. Энди баъзи кишилар ақийда масаласида мутахассис бўлиб ажраб чиқа бошладилар. Имом Ҳасан Басрий бу соҳада дарслар ўтар эдилар. Айна Ҳасан Басрийнинг дарс ҳалқасида иштирок этган кишилардан бири Восил ибн Ато у киши билан гуноҳи кабира қилган кишининг ҳукми ҳақида тортишиб, беодоблик қилди

ва кейинчалик мўътазилийлар мазҳабига асос солди.

Кейинчалик мўътазилийлар ўз фикрларини баён этувчи китоблар ёздилар. Аббосийлар давлати уларни ҳимоясига олгандан сўнг фикрларини одамларга куч билан ўткази бошладилар. Уларнинг Қуръони Карим махлуқ ёки махлуқ эмаслиги ҳақидаги даъволари катта жанжалга сабаб бўлгани ҳаммага маълум.

Шу билан бир қаторда бошқа фирқа ва тоифалар ҳам кенг тарқалиб кетди. Оқибатда Ислом оламида турли фикр, фалсафа, эътиқод ва қарашлар тарқалиб, ҳаммаси соф Исломий ақийдага футур етказиш йўлига ўтиб олдилар.

Бундай ҳолатнинг вужудга келишига бир қанча сабаблар бор эди. Улардан энг кўзга кўринганлари қуйидагилар:

Фатҳлар туфайли Ислом ерларининг беҳад кенгайиб кетгани.

Исломга турли динлар вакилларининг киргани.

Исломга яқин ва узоқ юртларнинг аҳолиси киргани.

Динбузарлар ва диндан ўз мақсадида фойдаланишни мақсад қилиб олганларнинг кўпайганлиги.

Ана шундай оғир бир пайтда соф Ислом ақийдасини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиладиган уламолар етишиб чиқдилар. Улар Қуръони Карим ва Суннат таълимотлари асосида ҳамда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари услубида ақийда масалаларини ёрита бошладилар. Уларга «Аҳли сунна ва жамоа» номи берилди.

Кейинроқ одамларга тушунарли бўлиши учун матнларни таъвил қилишга ҳам мажбур бўлинди. Турли китоблар битилди. Аҳли сунна ва жамоанинг ақийда бобидаги таълимотлари тўпланиб, тартибга солинди. Натижада ақийдавий мазҳаб бўлиб шаклланди ва ўз имомларига ҳам эга бўлди.

Бу борада имом ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий Аҳли сунна ва жамоанинг ақийда бўйича имомлари деб тан олиндилар.

«Сунний ақийдалар» китобидан